

---

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4742-сонли қарори тўғрисида

**Биласизми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4742-сонли 08.06.2020 йилдаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори”га кўра, 2020 йил 1 июлдан:**

ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати кенгайтирилади;

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш **хабар бериш тартибида** махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда **вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади;**

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, **БҲМнинг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайди.**

Ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

Интернет орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахслар кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар – норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни **Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда** Ўзбекистоннинг банкларидаги ҳисобрақамларига қабул қилади.

**2020 йил 1 июлга қадар** ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун мобиль илова ишлаб чиқилади.

**Жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда** юридик шахслар – тадбиркорларни давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда **тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича** амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда якка тартибдаги тадбиркорнинг **фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади.**

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида 3 нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан **50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайди.**

**2021 йилда** тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштиришга ёрдам берадиган **“Бизнес навигатор” ахборот тизими жорий қилинади.**

**Фурқат туман адлия бўлими**

**бошлиғи Элёр Бойматов**

2020-08-04 11:18:23